

Ўрта-махсус касб-хунар коллежларида наққошлик дарсларининг самарадорлигини ошириш

Ўзбек халқ амалий санъати халқимиз маданиятининг бир бўлагидир. Ўзбек халқ амалий санъатининг асосини эса наққошлик ташкил этади. Безакли санъатнинг кенг тарқалган шакли бўлмиш наққошлик маданиятимизнинг ҳамма босқичларида унга ҳамроҳ бўлиб келган. Унинг энг оддий принциплари- уйғунлик, бир-бирига маутаносиблик ва усулларнинг қайта такрорланишидир. Нақшлардаги чизиқлар халқнинг гўзалликка, мукамалликка интилишининг намунаси, келажакка ишончнинг ифодаси бўлиб гавдаланади.

Касб-хунар коллежларида амалий санъат дарсларини ташкил қилишда ўқув режадаги ихтисослик фанлари блокига ажратилган соатлар тизимида Амалий санъатнинг улуши камлиги халқ амалий санъатининг наққошликни янада ривожлантириш, давр руҳига мос ҳолга келтириш, уни ўрганишнинг методологик асосининг муҳим вазифасидир. Бу эса кадрлар тайёрлашни такомиллаштиришни, касбга қизиқтиришни талаб этади.

Ҳозирги кунда касб-хунар коллежларида ўқувчиларнинг юқори даражада билим олишлари учун етарли шароитлар яратилган. Бироқ бу соҳада ҳали баъзи-бир камчиликлар ҳам бор. Кўпгина касб-хунар коллежларида дарслар методик жиҳатдан тўғри йўлга қўйилмаганлиги дарсларнинг сифатли олиб борилишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Асосан, ўқувчиларни дарсга қизиқтириш, нафақат дарсга, балки айнан хунарга қизиқишини уйғотиш учун дарс ўтишда кўпроқ кўргазмалиликка эътибор қаратиш даркор, бунинг учун ихтисослик фанларига ажратилган соатлар фоизи оширилса, амалиётга кўпроқ эътибор берилса самаралироқ бўлар эди. Айрим касб-хунар коллежларида ўтказилаётган кўргазмалар аксарият ҳолларда эстетик талабга жавоб бермайди, айрим ўқувчилар ҳатто ўқув қуроллари билан таъминланмаган, халқ усталари билан учрашувлар, халқ амалий санъати ёки санъат музейларига экскурсиялар кам уюштирилади. Булар ҳам ўз навбатида дарсларнинг самарали ўтишига салбий таъсир кўрсатмай ўтмайди.

Авваламбор, ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларига ёшлар айнан бир касбни эгаллаб, мазкур соҳада мутахассис бўлишни истаб ўқишга қирадилар. Шу боисдан ихтисослаштирилган ўрта-махсус касб-хунар коллежларида наққошлик, умуман тасвирий ва амалий санъат дарсларининг самарадорлигини ошириш учун биринчидан, ихтисослаштирилган касб-хунар коллежларига ўқувчиларни қабул қилиш жараёнига, иккинчидан, таълим жараёнида талабалар билан самарали ишлашга эътибор қаратмоқ лозим. Бунда эса қуйидаги кетма-кетликни амалга ошириш лозим.

Биринчидан, ўқишга қабул қилиш вақтида алоҳида эътиборни ўқувчининг амалий санъатга бўлган қизиқиши, қобилияти мавжудлиги,

мактаб даврида наққошлик билан тўғараклар, мактабдан ташқари муассасаларда шуғулланганлиги шу соҳани давом эттиришга тайёрлиги каби педагогик талабларга асосланиш лозим.

Махсус касб-хунар коллежларига ўқувчилар айнан шу ихтисосликни танлаб, уни пухта эгаллаш мақсадида ўқишга кирадilar.

Дарсларнинг қизиқарли ва методик жиҳатдан тўғри ташкил этиш ўқувчиларни чидам билан ишлашга, меҳнатни севишга ва санъатни кадрлашга ўргатади. Бунда дарсларни ҳам назарий ҳам амалий томондан мутаносибликда, тўғри ташкил этилган ҳолда олиб борилишини тўғри йўлга қўйиш зарур. Ўқувчиларга хунарни пухта ўргатиш мақсадида ихтисослик фанлари бўйича ўтказиладиган амалиётга кўпроқ урғу бериш, дарсдан ташқари машғулотлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Дарс машғулотларидан ташқари ўтказилган тадбирлар эса талабаларни наққошлик санъатига янада қизиқтириб, нақш услубларини бир-биридан фарқлай олишга ўргатади. Бундай дарсдан ташқари мунтазам равишда олиб бориладиган тадбирларга қуйидагилар кирази:

- талабалар ишлаган ижодий ишларидан савдо кўргазмаларини уюштириш;
- наққош усталар билан талабаларнинг учрашув кечаларини ўтказиш;
- халқ амалий санъати музейига, тарихий обидаларга экскурсиялар уюштириш;

Бундай савдо кўргазмаларини уюштириш талабаларни моддий рағбатлантириш ҳисобланади. Улар энди сифатли буюмлар ишлашга ҳаракат қиладilar. Наққошлик устахонасининг деворлари наққош усталарнинг ишлари репродукциялари билан безатилиб, нафақат стендлар, балки махсус токчалар ўрнатилиб у ерга талабаларнинг энг сара ишлари қўйилиб безатилса талабаларда илгари пайқамаган гўзалликни кўра билиш, санъат асарларини тушуниш кўникмаси ошади. Бундай усулда безатилган хона талабаларда бадий завқ уйғотади, ўз ишини кўрган талабада ўзи билан, дўстлари билан фахрланиш ҳисси уйғонади, мохир наққош бўлиб етишишни орзу қилади. Бундан ташқари кўпроқ ўқувчилар ишидан кўргазмалар уюштириб, ўқувчилар ўз ўртоқлари бажарган ишларга баҳо бериб, ютуқ ва камчиликларни айтадилар. Бунда ўқувчилар, аввало, ўз ишларидаги камчиликларни билиб олиб, кейинги дарсда янада самаралироқ ишлашга эришадилар. Талабаларнинг наққошлик бўйича амалда бажарадиган ишлари 100-баллик мезон асосида баҳоланади.

Ушбу мезонда 10 тадан иборат баҳолаш кўрсаткичи мавжуд. +ўйилган талабнинг ҳар бири тўлиқ ва тўғри бажарилган тақдирда 10-балл, қўйилган талабнинг 50 % бажарилган тақдирда 5-балл, қониқарсиз бажарилган тақдирда 0- (нол) балл берилади.

Баҳолаш мезонида қўйилган талаблар қуйидагилардан иборат: нақш композициясини қоғоз сатҳига тўғри жойлаштириш (10 балл.);

композиция тузиш қонун - қоидаларига амал қилинганлиги (10 балл.); нақш композициясида чизиқларнинг раволиги(10 балл.); нақш элементларининг ўз ўрнида қўлланилганлиги (10 балл.); композицияда нақш элементларининг нисбати сақланганлиги (10 балл.)нақш композициясида ранглаш босқичларига амал қилинганлиги(10 балл.) нақш композициясида ранглар уйғунлиги(10 балл.); нақш композициясида пардоз турларидан тўғри фойдаланилганлиги (10 балл.); нақш композициясини тузишда ўзига хос янги элементлардан фойдаланилганлиги (10 балл.); нақш композициясининг жозибадорлиги(10 балл.).

Шу асосда ўқувчилар ўз ишларини мушоҳада қилишга ўрганиб, санъат асарларини идрок этиш малакалари ортиб боради.

Наққошлик санъати дарсларида талабаларга бериладиган билимларни мустақамлашда экскурсияларга бориш муҳим аҳамият касб этади. Экскурсиялар амалий санъат музейларига, етук наққошлар устахоналарига, турли хил кўргазмаларга уюштирилиши мумкин. Республикамизнинг турли вилоятларида таҳсил олаётган бадиий ҳунармандчилик коллежлари талабаларига ҳам пойтахтга экскурсиялар уюштириш ижобий натижа беради. Ўқувчилар ўз ишларидан сараларини шаҳарларидан ташқарига, мисол учун пойтахтга ёки вилоятларга олиб чиқиб совринли кўргазмалар уюштиришса, талабалар турли хил наққошлик мактабларининг, янгича услубларни кўриб бир-бирлари билан тажриба алмашар эдилар, мушоҳада қилар эдилар, наққошлик мактабларини, бир-биридан фарқларини кўриб ажратишни ўрганар эдилар. Бундай қизиқарли экскурсияларни талабалар хотираларида узоқ вақт сақлаб қоладилар.

Демак, кўргазмалилик ёрдамида ўтказилган машғулотлар орқали ўқувчиларда мантикий фикрлаш, предмет ва ҳодисаларни бир-бирига таққослаш, улар ўртасидаги умумийлик ёки тафовутни аниқлаш кўникмаларини ҳосил қилади. Бундан келиб чиққан ҳолда, амалий санъат сирларини ҳар томонлама ўрганиш имконияти бўлсагина, дарс ўтиш жараёнида раҳбарнинг мустақиллиги, фаоллиги, таълим бериш услубининг ўзига хослиги билан ўқувчиларни қизиқтира олсагина дарслар самарали амалга оширилиши мумкин.

С.Косимова,
Низомий номидаги ТДПУ
аспиранти.